

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.T.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

«ПАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ» АЖ

ДЖАМОЛОВ РУСТАМ КАМОЛИДИНОВИЧ

ПАХТА УРУҒЛИК ЧИГИТИНИ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ЯРАТИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

05.06.02–Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Contents of the Abstract of Doctoral Dissertation

Джамолов Рустам Камолидинович Пахта уруғлик чигитини тайёрлаш технологиясини яратишнинг илмий-амалий асослари.....	5
Джамолов Рустам Камолидинович Научно-практический основы создание технологии подготовки посевных семян хлопчатника.....	31
Djamolov Rustam Kamolidinovich Scientific and practical basis for the creation of technology for the preparation of sowing cotton seeds.....	57
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	60

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

«ПАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ» АЖ

ДЖАМОЛОВ РУСТАМ КАМОЛИДИНОВИЧ

**ПАХТА УРУҒЛИК ЧИГИТИНИ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ЯРАТИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ**

**05.06.02–Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2019.3.DSc/T310 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Пахтасаноат илмий маркази” АЖда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мақсудов Эркин Тўхтаевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мадумаров Илхом Дедахнович
техника фанлари доктори, профессор

Ахмедходжаев Хамит Турсунович
техника фанлари доктори, профессор

Мақсудов Равшан Хасанович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Жиззах политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.08.01 рақамли илмий кенгашнинг “15” апрель 2021й. Соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100100, Тошкент ш., Шоҳжаҳон-5, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс 253-36-17; e-mail: titl_info@edu.uz).

Докторлик диссертацияси билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (93 рақам билан рўйхатга олинган). Манзили: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Шоҳжаҳон - 5, тел:(+99871) - 253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2021 йил «2» апрель куни тарқатилди.
(2021 йил «2» апрелдаги 93-рақамли реестр баённомаси).



И.Қ.Собиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

А.З. Маматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ш.Ш.Хакимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2019 йил 7 октябрда Женева шаҳрида ўтказилган форумида «пахта - инсоният учун аҳамияти юқори бўлган Глобал товар»¹ сифатида эътироф этилди. Дунё пахта бозорларидаги рақобатнинг кучайиши, пахта етиштирувчи мамлакатларда пахтанинг янги селекция навларини етиштириш ва районлаштириш, уруғ тайёрлаш технологияларини ривожлантириш ҳисобига маҳсулот истеъмол хусусиятларини янада яхшилаш ва ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш эвазига унинг улгуржи нархларини камайтириш муҳим бўлиб қолмоқда. Шунга кўра дунё бозорида уруғлик пахта чигити сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш, уни саралаш ва дорилаш йўли билан унувчанлигини ошириш, уруғ сарфини камайтириш, касалликка чидамлилигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жаҳонда пахтани дастлабки ишлаш техника ва технологияларини такомиллаштириш, уларнинг илмий асосларини яратиш бўйича кенг миқёсда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу соҳада, жумладан инновацион технологиялар асосида уруғлик чигитни тозалаш ва саралаш машиналарининг технологик имкониятларини такомиллаштириш, жараёнларга таъсир этувчи омилларни муқобил қийматларини аниқлаш, назарий боғланишларини ишлаб чиқиш, уруғлик чигитга экишдан олдин ишлов беришнинг янги техника ва технологияларини илмий асослаш, уруғлик чигит сифат кўрсаткичларини тубдан ўзгартириш, юқори унувчанлик ва кимёвий препаратлар билан бир меъёрда текис ишлов бериш бўйича назарий ишланмаларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эгадир.

Республикамизда пахта етиштириш, уни дастлабки ишлаш тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг турлари ва ассортиментини кенгайтириш, шунингдек, тармоқ корхоналарининг инвестиция ва экспорт фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодийда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»² вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан уруғлик пахта чигитини технологияга бир меъёрда узатиш, саралаш ускунасини такомиллаштириш ва уруғлик чигитни текис дориланишини таъминлаш ва ресурсларни тежовчи илмий-техникавий ечимлар орқали уни такомиллаштириш муҳим ҳисобланади.

¹ International cotton advisory committee. Washington, From the Secretariat of the ICAC. <https://icac.org/>, email secretariat@icac.org. October 7, 2019.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2015 йил 4 мартдаги ПҚ-4707-сон “2015-2019 йиллар учун таркибий ислохотлар, модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга доир чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги ва 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон “Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Уруғлик чигитни экишга тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Bajaj Steel Industries Limited (Хиндистон), JUBUS - INDUSTRIAS JUAN BUSQUETS CRUSAT S.A. (Испания), PETKUS Technologie GmbH - Saatgut Technologien und, "PETKUS Selecta BV" (Германия), Texas Tech University (АҚШ), Shijiazhuang synmec international trading limited (Хитой), ООО «Смарт Грэйд» (Россия), ҳамда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, «Пахтасаноат илмий маркази» акциядорлик жамиятида (Ўзбекистон) кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Уруғлик чигитни экишга тайёрлашнинг техника ва технологияларини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: уруғлик чигитни пневмо-механик усулда саралаш технологияси яратилган ва саралагич ғалвирлари юзасида туксизлантирилган чигитларнинг ҳаракати қонунлари олинган (Texas Tech University, АҚШ); чигит миқдорига суспензия сарфини мослаштирувчи дорилаш ускуналар яратилган (JUBUS-Испания, PETKUS-Германия); туксизлантирилган уруғлик чигитларни геометрик ўлчамлари бўйича саралаш усуллари ва саралашда ишлатиладиган ғалвир ўлчамларини аниқлаш бўйича назарий ишланмалар ишлаб чиқилган (Bajaj Steel Industries Limited, Хиндистон ва ООО «Смарт Грэйд», Россия); тукли ҳамда туксизлантирилган уруғлик чигитларни пневматик саралаш, саралагич қувур ҳажмига боғлиқ холда чигитларни фракцияларга ажратиш, дори суспензиясини чигит дозатор унумдорлигига мослаштирувчи

³ № 1117, № 66у-2013 сонли илмий-тадқиқот иши бўйича ҳисоботлар, “Пахтасаноат илмий маркази” АЖ, Тошкент 2012, 2013 йй. <http://www.jubus.com/>. www.petkus.com. <https://www.researchgate.net/publication/280971045>

қурилмаларни дорилаш ва иш унумдорлиги юқори бўлган икки камерали туксизлантириш ускуналари яратилган («Paxtasanoat ilmiy markazi» акциядорлик жамияти, Ўзбекистон).

Жаҳонда уруғлик чигитларни саралаш-тозалаш учун қурилмалар ва технологияларни яратиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: уруғлик чигит тайёрлаш технологик жараёнининг ўзгарувчан автоматлаштирилган тизимларини яратиш ва уларнинг илмий асосларини ривожлантириш; уруғлик чигитларни пневмомеханик тозалаш-саралаш ва дорилаш жараёнининг самарали технологиясини ва уларнинг ишчи қисмларининг рационал конструкциясини ишлаб чиқиш; дориланган чигитлар учун илмий асосланган чигит ва суюқ дори суспензияси дозаторларини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтдаги илмий тадқиқотларни таҳлили натижаси шуни кўрсатдики, уруғлик чигитни экишга тайёрлашда асосан уни тозалаш ва саралаш жараёнларини ўрганиш бўйича илмий ишлар олиб борилган. Уруғлик чигитларни экишга тайёрлашда уларни саралаш ва дори препаратлари билан ишлов беришнинг муҳимлиги қуйидаги хориж олимларининг илмий ишларида акс эттирилган: Shyam Barampuram, George Allen, Sergei Krasnyanski, Sushma Sharma, V.S.Mor, Sanogo S, Sacande M, Van Damme P, Jyoti Jhavar ва бошқалар.

Тукли чигитларни пневматик ва бошқа усулларда саралаш ускуналарини ишлаб чиқиш, уларнинг саралаш жараёни таъсири ва бошқа кўрсаткичларини аниқлаш бўйича, дори препаратлари билан чигитларни ишлов беришда дорилаш тўлиқлигини ошириш бўйича муаммолар маҳаллий олимлардан Бушуев М.Н., Шлейхер А.И, Қосимов Д.К., Колояров Л.Ф., Ташланов А.К., Майсурян Н.А., Обидов А, Яшева Е., Айдаров Ш.Г., Ракипов В., Шаимов П., Тўхтабоев С, Тўйчиев В.Х., Расобоев А, Юсубалиев А, Ахмедходжаев Х.Т., Каримов А.И., Турсунов А., Усмонов В, Қобилов У, Акрамов А, Джураев Р., Емелин Б.Н., Масло И.П, Кубеев Е.И., Байгускаргов М.Х., Салахов И.М. ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида кўриб чиқилган.

Мавжуд долзарб масалаларни ечиш мақсадида «Paxtasanoat ilmiy markazi» АЖ олимлари томонидан атрофлича олиб борилган чуқур илмий тадқиқотлар асосида “Уруғлик пахтани қайта ишлаш ва уруғлик чигит тайёрлашнинг мувофиқлаштирилган технологияси” ишлаб чиқилиб, маълум даражадаги ижобий натижаларга эришилганига қарамай уруғлик чигитни тайёрлаш технологик тизимида тукли уруғлик чигитни қабул қилиб, меъёрда узатиш бўйича муаммолар тўлиқ хал этилмаган. Тукли уруғлик чигитларни саралаш жараёнларининг таҳлили агрегатларнинг юқори иш унумдорлигида ишлаш самарадорлиги етарли эмаслигини кўрсатди. Тукли уруғлик чигитларни дорилашда суспензиянинг чигит миқдорига аниқ мослаштирувчи ва суюқ дори босимини стабиллаштирувчи қурилмаларни яратиш бўйича илмий изланишлар деярли олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти «Пахтасаноат ilmiy markazi» акционерлик жамияти илмий-тадқиқот ишлари режасининг И-050903 “Тукли уруғлик чигитларни қабул қилиб ишлаб чиқаришга меъёрда узатиш қурилмасини ишлаб чиқиш” (2006); И-0909 “ЧСА агрегатини такомиллаштириш ва уни ихтисослаштирилган уруғлик чигит тайёрлаш цехларига жорий этиш” (2009-2010); И-1106 “Уруғлик чигит дорилаш самарасини ошириш учун дори суоқлигини меъёрий сарфини чигит дозатор унумдорлигига мослаштирувчи қурилмали дорилаш машинасини ишлаб чиқиш” (2011-2012) илмий мавзулар ва И-2015-2-3 “Пахта чигитини линтерлаш технологик жараёнини автоматик назорат қилиш учун энергия тежайдиган микропроцессорли тизим ишлаб чиқаришни жорий этиш, суспензиянинг сарфланиш миқдорини пахта чигити дозаторининг унумдорлиги билан мослаштирадиган дорилагични ишлаб чиқиш” (2015-2016) мавзуларидаги давлат лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тукли уруғлик чигитни қабул қилиш ва узатиш қурилмасини ҳамда пневматик чигит саралагичини такомиллаштириш, дори суспензиясини чигит дозатори иш унумдорлигига мослаштирувчи дорилагич асосида ихтисослаштирилган тукли уруғлик чигит тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тукли уруғлик чигитни қабул қилиш-узатиш қурилмасини яратиш, чигитни пневматик саралаш агрегатини такомиллаштириш ва дори суспензиясини чигит дозаторига мослаштирувчи дорилаш машинасини ишлаб чиқиш;

қабул қилиш-узатиш қурилмаси винтлари ҳаракатининг назарий таҳлил қилиш;

назарий тадқиқотлар асосида саралаш агрегатида чигитни зоналар бўйича ҳаракатини ўрганиш;

танлаб олинган дорилаш ускунасида экспериментал тадқиқотлар ўтказиш ва дорилашнинг зарур тўлиқлиги ва бир хиллигини таъминлаш учун унинг асосий параметрлари ва режимларини асослаш;

тукли уруғлик чигитни қабул қилиш-узатиш қурилмасини, такомиллаштирилган чигит саралаш агрегатини ва дори суспензиясини чигит дозаторига мослаштирувчи қурилмани ҳамда тукли чигитни дори суспензияси билан аралаштиргичнинг рационал параметрларини тўлиқ омилли тажрибалар натижалари орқали аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тукли уруғлик чигитни тайёрлаш технологияси ва ишлаб чиқилган асосий машиналарининг тажриба намуналари олинган.

Тадқиқотнинг предметини уруғлик чигит тайёрлаш технологик тизимида тукли чигитни қабул қилиш ва узатиш, саралаш ва дорилаш технологияси, усуллари, воситалари ва жараён кўрсаткичлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларда амалий жараёнларни статик ва динамик моделлаштириш, дифференциал тенгламаларни аналитик ва сонли ечиш, тўлиқ факторли эксперимент, тажриба натижаларини қайта ишлаш, кузатиш, ўлчаш, солиштириш, баҳолаш ва мақсадли электрон дастурлар воситасида оптималлаштириш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тукли уруғлик чигитни қабул қилиш-узатиш қурилмаси яратилган, чигитни пневматик саралаш агрегати такомиллаштирилган;

пахта чигитининг табиий хусусиятлари ва чигитнинг бир текис дориланиши шартларини ҳисобга олган ҳолда тукли чигитни қурилмага бир меъёردа узатишга асосланган дорилаш технологияси ва чигит дозаторига дори суспензиясини мослаштирувчи механизм ишлаб чиқилган;

тукли чигитларни бир меъёрдa дорилашни таъминловчи, чигит оқимиға ишчи суспензияни бир хил босимда узатувчи қурилма яратилган;

икки винтли транспортерда тукли чигит тўпламини силжитувчи умумий кучни аниқлаш ифодаси ҳамда тукли уруғлик чигитни саралашда чигитни зоналар бўйича ҳаракат қонуниятлари йўналтиргич параметрларига боғлиқ равишда ишлаб чиқилган;

чигит дозатори камерасида чигит ҳаракатиға таъсир кўрсатувчи кучлар катталиги, рационал иш унумини таъминловчи чигит тароғидан юлдузча тишларининг чиқиш баландлиги аниқланган;

тукли чигитни қабул қилиш-узатиш қурилмаси, такомиллаштирилган ЧСА агрегати ва дорилагичнинг асосий конструктив-эксплуатацион параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқилган тукли чигитни қабул қилиш-узатиш УПС русумли қурилмаси, такомиллаштирилган тукли чигитни саралаш агрегати ва дори суспензиясини чигит дозатор иш унумдорлигига мослаштирувчи қурилмали дорилаш машина конструкцияларини қўллаган ҳолда самарали компановкадаги тукли уруғлик чигитни тайёрлаш тизими тавсия қилинган;

юқори самарали саралагич, чигитни қабул қилиш узатиш қурилмаси ва дорилагич ишчи органларининг оптимал параметрлари ва иш режимлари асосланган, бу юқори тозалаш эффекти, чигитларнинг механик шикастланишини камайиши, юқори иш унумдорликда ресурсларни сезиларли даражада тежалиши таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ва амалий тадқиқотларнинг ўзаро мослиги, ҳисоблашларда стандарт усуллардан ва воситалардан фойдаланилганлиги ҳамда тавсия этилган тукли уруғлик чигитни қабул қилиш-узатиш қурилмаси, такомиллаштирилган чигит саралаш агрегати ва дорилаш машинасини ишлаб чиқаришга жорий этилганда ижобий натижалар олинганлиги билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чигитни қабул қилиш-узатиш қурилмаси яратилганлиги, тукли уруғлик чигитни саралашда чигитни зоналар бўйича

ҳаракат қонуниятлари йўналтиргич параметрларига боғлиқ равишда ишлаб чиқилганлиги, чигитни саралаш ва уни дорилаш технологик кўрсаткичларини ҳисоблашнинг назарий боғланишлари олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти саралаш агрегатларининг такомиллаштирилиши асосида юқори иш унумдорлигида ишлашнинг таъминланганлиги ва дори суспензиясининг чигит дозатори иш унумдорлигига мослаштирувчи, тез аралаштирувчи қурилмали дорилаш машинасини яратилганлиги, яратилган ускуна ва машиналар асосида уруғлик чигит технологик жойлашуви кетма-кетлиги ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Уруғлик чигит тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишлаб чиқилган УПС русумли тукли чигитни қабул қилиш-узатиш қурилмаси Сирдарё вилоятининг “Бахт пахта тозалаш корхонаси” АЖ да ишлаб чиқаришга жорий жорий этилган (“Ўзпахтасаноат” АЖнинг 05.05.2020 йилдаги №03-16/1231 маълумотномаси). Натижада уруғлик материалларини қабул қилиш босқичида йўқотишларни 0,05% га, электр энергия сарфи 66% га камайишига ва тукли чигитни узатиш текислиги юқорилигидан чигит саралаш агрегатини тозалаш самарадорлиги 5-6 % га ошишига эришилган;

такомиллаштирилган ЧСА русумли пневматик саралагичи Сирдарё вилоятининг “Бахт пахта тозалаш корхонаси” АЖ да жорий этилган (“Ўзпахтасаноат” АЖнинг 05.05.2020 йилдаги №03-16/1231 маълумотномаси). Натижада чигитни униб чиқиш қуввати 5 % га, унумчанлиги эса 2 % га ошган, гектарига чигит сарфи 12,9 кг га камайишига эришилган;

такомиллаштирилган ЧСА русумли пневматик саралагичлари ва УПС русумли тукли чигитни қабул қилиш узатиш қурилмаси Қашқадарё вилоятининг “Косон пахта тозалаш корхонаси” АЖ да жорий этилган (“Ўзпахтасаноат” АЖнинг 05.05.2020 йилдаги №03-16/1231 маълумотномаси). Натижада, жорий этилган УПС ва ЧСА русумли агрегатларнинг биргаликда ишлашидан саралагичнинг тозалаш самараси 11,2 % га, 1000 дона чигит массасини 3,0-3,6 граммга ошишига, уруғлик чигит чиқиш фракцияси 95,0 % га етиши ва 1000 дона чигит массаси 3,6 граммга ошишига эришилган;

тавсия этилган дорилаш машинаси Хоразм вилояти “Қўшқўпир пахта тозалаш” АЖ да ишлаб чиқаришга жорий этилган (“Ўзпахтасаноат” АЖнинг 05.05.2020 йилдаги №03-16/1231 маълумотномаси). Натижада дори суспензия сарфи 2,5 литрга камайиришга, дорилаш тўлиқлигини 91% дан оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та илмий-техник анжуманларда, шу жумладан, 7 та халқаро, 2 та Республика конференцияларида ва илмий семинарда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та, шундан хорижий журналларда 8 та мақола нашр этилган ва Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан 5 та фойдали моделга ва 1 та ихтирога патентлари олинган ва 1 та монография чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, шунингдек, тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалар баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган ҳамда амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Танлаб олинган тадқиқотлар йўналишларини асослаш”** деб номланган биринчи боби адабиёт манбаларининг ва уруғлик чигит тайёрлаш технологияси ва ускуналарининг ҳозирги ҳолатининг таҳлиliga бағишланган. Ушбу бобда, уруғларни экиш олдида ишлов бериш, шу жумладан уруғларни саралашнинг аҳамияти ва ускуналари, уруғларни дорилаш усуллари ва уни амалга ошириш учун техник воситалар таҳлил қилинган.

Таҳлиллар натижасида амалдаги ЧСА агрегатида иш давомида қуйидаги камчиликлар аниқланди: агрегатни юқори иш унумдорлигида уруғлик чигит фракциясига ажралиш миқдори 78,2% гача камайиб кетиши, унинг технологик жараёни мукамал эмаслиги сабабли, уруғлик фракция техник фракцияга ва аксинча уруғликка техникларни аралашиб кетиши содир бўлаётганлиги аниқланди.

Бундан ташқари агрегатнинг чигит қабул қилиш бўғизига чигитни қўлда белкурак ёрдамида узатилиши сабабли, тўп-тўп бўлиб тушадиган чигитларни учишга қаршилиги юқори бўлиши натижасида кўп марталаб тиқилишлар бўлиши кузатилди ва камчиликларини тузатиш мақсадида мавжуд ЧСА чигит саралаш агрегатининг такомиллаштирилган варианты схемаси таклиф этилди 1-расм.

Ҳаво орқали тукли чигитларни чигит қабул қилиш тарнови 9 дан узатилаётган тукли чигитларни чигит сўриш қузури 1 дан чигит саралаш камераси 2 га узатилади, у ерда чигит фракцияларга ажралишини яхшилаш мақсадида камерага чигит йўналтиргиси 3 ўрнатилган бўлиб, чигит

йўналтиргич 3 бўйлаб учаётган тукли чигитларнинг йўналишини ўзгаришидан массаси оғир чигитлар пастга вакуум-клапан 8 орқали уруғлик фракция фракция чиқиб, кейинги жараёнга узатилади. Енгил чигитлар юқорига учиб, техник чигит фракция йиғиш камераси 6 га йиғилиб, вакуум-клапан 7 орқали ташқарига чиқарилади. Чигитлардан ажралаётган енгил момиклар қувур 5 томондан циклонга йўналади.




1-расм. Такимлаштирилган чигит саралаш агрегатининг схемаси

техник чигит фракция йиғиш камераси 6 га йиғилиб, вакуум-клапан 7 орқали ташқарига чиқарилади. Чигитлардан ажралаётган енгил момиклар қувур 5 томондан циклонга йўналади.

Чигит саралаш агрегатига тукли уруғлик чигитларни бир текис узатилиши саралаш сифатининг ошишига олиб келиши кўпгина тажрибаларда асосланган. Шунинг учун, тизимдаги ускуналарни узлуксиз ишлашини ва ён борти очиладиган тиркама 2ПТС-4-793 дан чигитни тўка олиш имкониятини таъминловчи чигитни қабул қилиш ва ишлаб чиқишга узатиш қурилмасининг схемасини ишлаб чиқилди (2-расм).

Қурилма унга тўкилган тукли чигитларни ишлаб чиқаришга узатиши учун винтли конвейер билан жихозланган. Винтлар айланаётганда уруғлар массасини соатига 0-6 тонна оралиғида ростланувчи иш унумдорлигида ишлаб чиқаришга йўналтиради.

Тукли чигит қабул қилиш-узатиш қурилмасининг ишчи зона узунлиги тиркамада келтирилган чигитларни бункерга тўкишда ерга тўкилмаслик учун тиркама узунлигига тенглаштирилди ва $L=4800$ мм ҳисобида қабул қилинди.



2-расм. Тукли чигит қабул қилиш-узатиш УПС русумли қурилмаси

Бир дона тиркамага 5 тонна тукли чигит кетишини ҳисобга олсак, эркин тўкилган тукли чигит сифими $280-320$ кг/м³ ни ташкил этишини билган ҳолда қурилма бункери учун сифимни 16 м³ ҳисобланди. Платформа узунлиги бўйича икки ён бортларининг горизонтал текисликка нисбатан эгилиш бурчагини тукли чигитларнинг табиий қиялик бурчагига асосан регламент бўйича туклилик даражаси

кўпи 9,0% лигини хисобга олиб ва бортга тўкилган чигит оғирлиги билан бортни пастга босиб эгилишига олиб келмаслиги учун бортнинг платформага маҳкамлаш бурчагини $\alpha=60^{\circ}$ га тенг танланди.

Платформа 2 нинг пастки қисмида иккита винтли конвейерлар (шнеклар) 4, чигит оқиш тарнови 5, платформа рамасининг чигит тушиш жойига винтли механизм 3 ли йўналтиргич-ростлагич 6 ўрнатилган бўлиб, платформа устига тўсиқ 1, бортлар 9, 7, 10, 11 тўплами йиғилади ва платформага тўкилган чигит оғирлиги билан винтли конвейерга босим кўрсатмаслиги ва ишлаётган ишчилар ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида винтли конвейерларнинг юқори қисмига химояловчи тўсиқли панжара 8 ўрнатилган.

УПС янги қурилма бўлгани учун, у бўйича илгари илмий тадқиқотлар ўтказилмаган, ишлатиш жараёнида тиркамадан чигитни қабул қилишда муаммолар бўлмагани ҳолда, тўкилган чигитни ишлаб чиқаришга меъёрлаб узатишда муаммолар юзага келди.

Винтли конвейерларни сонини 1 тадан 3 тагача ўрнатиб синовлар олиб борилди. Натижада конвейерлар сонини 2 тага тенг қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлишлиги аниқланди.


ЧСА русумли саралаш агрегатига чигитни узлуксиз белгиланган меъёрларда узатилишини таъминлаш мақсадида УПС қурилмасининг асосий параметрларини асослаш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Уруғлик чигитларни дорилаш учун қўлланиладиган УОСХ-6, СП-3М ва I-JS-8/L (“Юбус” Испания) дорилагичларининг тахлили уларнинг чигит дозаторлари тукли чигитни дорилаш камерасига порция-порцияга бўлиб узатиши ва дорилаш учун берилаётган суспензияни ишчилар томонидан қўлда ўрнатилиши, суспензия миқдорининг ўзгаришларига олиб келишини кўрсатди. Шунинг учун уруғлик чигитни дорилаш сифати ишчининг малакасига боғлиқ ва ҳар доим ҳам таъминланмайди. Тукли чигит дорилаш ускуналарининг камчиликларини бартараф этиш мақсадида дори суспензиясини чигит дозатор иш унумдорлигига мослаштирувчи ва тез аралаштирувчи қурилмали дорилагичи ишлаб чиқилди.

Экспериментал дорилагич намунасида дорилашнинг технологик жараёни куйидагича: дорилаш учун тайёрланган уруғлар ускунанинг юқори бункерига йўналтирилади. Бункерни уруғлар билан тўлдириши билан чигит дозатори юргизиш мосламаси ёрдамида ишга туширилади ва белгиланган иш унумдорлигидаги чигитлар тебранувчи тарновда ҳаракатланиш вақтида чигитларни массаси таъсирида автоматик жўмракни очади, белгиланган иш унумдорлигидаги чигитга зарур миқдордаги суспензияни беришни таъминлайди.

Кейин, компрессордан келадиган ҳаво ёрдамида, сепгич (форсунка) ишчи суспензияни кичик томчиларга ажратади ва тебранувчи тарновдан тушаётган чигитларга сепиб беради. Дори суспензиясини тукли чигитга форсунка орқали сепилгандан сўнг, дорини чигитнинг юзасига шимилиб кетмасидан, юза бўйлаб бир хилда тақсимланишини таъминлаш мақсадида

цилиндрик аралаштирувчи барабандан олдин тез аралаштирувчи қурилма шнекли-қозикли бўлиб, дори сепилган тукли чигитни тез аралаштириши ҳисобига сепилган дори суспензиясини чигит юзасининг барча қисмига бир текис тарқалишини таъминлагани ҳолда цилиндрик аралаштириш барабанига узатиб беради (3-расм).



1-рама; 2-бункер; 3-чигит дозатори; 4- қия чигит лотоги; 5- форсунка; 6- суспензия жўмраги; 7- стабиллаштиргич; 8- шнекли-қозикли тез аралаштиргич; 9- суспензия сарф баки; 10- цилиндрик аралаштириш барабани.

3-расм. Тукли чигит дориллагичининг умумий схемаси


Таклиф этилаётган тукли уруғлик чигитларни дориллагич схемаси асосида унинг параметрлари ўзгартириладиган экспериментал нусхаси тайёрланди, тадқиқотнинг услубияти ишлаб чиқилди ва хулосалар қилиниб тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланди.

Диссертациянинг **“Уруғлик чигит тайёрлаш технологик жараёнларининг назарий асослари”** деб номланган иккинчи бобида тукли уруғлик чигитларни қабул қилиш-узатиш қурилмаси, саралаш агрегати ва дориллаш ускунасининг таклиф этилган намунасини асосий параметрларини назарий асослаш натижалари келтирилган. Тукли уруғлик чигит қабул қилиш-узатиш қурилмасининг конвейер винтларини ҳаракати тахлили ўрганилган. Бунда, винт айланишида тукли чигит бўлагини ҳаракатини кўриб чиқишда, уни қия текислик бўйлаб юқорига ҳаракати қаралади.

4-расмда қия текислик бўйлаб тукли чигит ҳаракати юқорига йўналтириб ўрнатилган. Бунда тукли чигитга қуйидаги кучлар таъсир

килади: оғирлик кучи \bar{G} , силжитиш кучи \bar{F}_C , реакция \bar{F}_R ва ишқаланиш кучлари \bar{F} .

Таъкидлаш лозимки 4-расмдаги схема, яъни тукли чигитларни ҳаракати ҳар иккала винтли транспортер орқали амалга оширилади.



4-расм. Винт сирти бўйлаб тукли чигитни юқорига силжиш ҳисоб схемаси.

ва тукли чигитлар тўпламини икки винт орқали сурилганда таъсир кучлари бўйича амалларнинг ечилишидан, тукли чигитлар тўпламини горизонтал йўналишда силжитиш шарти қуйидагича бўлади:


$$2G \frac{\sin(\alpha + \varphi)}{\cos(\varphi + \beta)} > F_U^I \quad (1)$$

Бунда икки винтли транспортерда тукли чигит тўпламини силжитувчи умумий кучни аниқлаш ифодаси қуйидагича бўлади:

$$F_{\text{ум}} = \frac{2(\sin\alpha + f\cos\alpha) - f(\cos\beta - f\sin\beta)}{\cos\beta - f\sin\beta} mg \quad (2)$$

Олинган (2)-ифодага асосан тукли чигитни силжитиш кучини параметрларга боғлиқлигини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Бунда иш унуми ортиши, яъни винтли транспортердаги тукли чигитлар массаси ортиши билан тортиш кучи ҳам пропорционал ортиб боришини таъкидлаш мумкин.

5-расмда қурилманинг транспортер винтлари кўтарилиш бурчакларини тукли чигитларни силжитиш кучини ўзгаришини ифодаловчи график боғланишлари келтирилган.



5-расм. Тукли чигитларни винтли конвейерда умумий силжитиш кучини ўзгаришини винтни кўтарилиш бурчагига боғлиқлик графиклари.

Графикларнинг тахлилига кўра винт кўтарилиш бурчагини ортиши силжитиш кучини нозичли қонуниятда ортиб боришига олиб келади. Жумладан $f=0,25$ қилиб олинганда, оғиш бурчаги 22° дан 55° гача ортиб борганда тукли чигитларни силжитиш кучи $0,22 \cdot 10^2$ Н гача кўпайиб боришини кўриш мумкин. Бунда тукли чигитни винт сирти ва таглиги билан ишқаланиш кучини ўзгаришига етарли даражада таъсир кўрсатади.

Ишқаланиш коэффициентини 0,35 бўлганда тукли чигитни параллел жойлашган икки винт орқали умумий силжитиш кучи $0,48 \cdot 10^2$ Н дан $1,47 \cdot 10^2$ Н гача ночизикли қонуниятда ортиб боришига олиб келади. Шунинг учун иш унуми 4,0 т/с дан юқори бўлишини таъминлаш учун винтлар қиялик бурчаклари $\alpha=45-48^\circ$ бўлиши ва ишқаланиш коэффициентини $f \leq 0,35$ бўлиши тавсия этилади.

Саралаш ускунасидаги чигит ҳаракатини белгиланган зоналар бўйича аниқлаш учун тавсия қилинган саралагич ишчи зоналари схемаси келтирилган 6-расм. Бунда чигит ҳаракатини зоналар бўйича таҳлил қиламиз.

Чигитни вертикал Z ўқи бўйича ҳаракатини кўриб чиқамиз.

Бу ерда, h_1 -биринчи зона узунлиги, h_2 -иккинчи зонадаги йўналтиргич жойлашиш масофаси.


Бунда ҳаракат қонунини қуйидагини ёзишимиз мумкин:

$$\frac{G}{g} \ddot{Z} = -G + C_z K_1 (V_x - \dot{Z}_1)^2 \quad (3)$$

Бу ерда биринчи зона учун қуйидагиларни қабул қиламиз:

$$0 \leq Z_1 \leq h_1 (Z_0); \quad V_{x1} = V_1; \quad \dot{Z} = \dot{Z}_1; \quad Z = Z_1$$

Биринчи зона бошида қўшимча тешиқдан ҳаво оқими орқали чигит оқими юқорига кўтарилади. Бунда ҳаво оқимининг тезлиги чигит билан бирга қисман ўзгаради.



Шунинг учун (3) ифодада тезликнинг шу ўзгаришини K_1 коэффициентини орқали инобатга олинди.

Иккинчи зона бошида ҳаво оқими чигитлар билан қия текислик шаклидаги тўсиққа урилиб, қисман ҳаракат йўналишини ўзгартиради.

Иккинчи зонада ҳаво оқими ва чигит қия тўсиқ билан таъсирида ҳосил бўладиган тезликни йўқотилишини ифодалаш учун қўшимча K_2 коэффициентини киритамиз, у ҳолда ушбу зоналар бўйича дифференциал тенгламаларининг ечимидан ҳаво оқимидаги чигитларни биринчи ва иккинчи зоналардаги ҳаракат қонунини келтириб

6-расм. саралагич ишчи зоналари схемаси


$$\theta_1 = \frac{1}{2 \vartheta^2 K_1^2} \left[(\vartheta \alpha_1 K_1 - 1) e_n \frac{q_1 e^{2\vartheta k_1 \tau} - q_2}{2} + (\vartheta \alpha_1 K_1 + 1) e_n \frac{2e^{2\vartheta k_1 \tau}}{q_1 e^{2\vartheta k_1 \tau} - q_2} \right] \quad (4)$$

$$\theta_2 = \theta_0 + (q_2 + \vartheta K_2) \tau + e_n \left| \frac{a_2 - 1}{\vartheta^2 K_2^2 (a_2 - e^{2\vartheta k_2 \tau})} \right|$$

Бу ерда, τ – ўлчовсиз вақт; K_1, K_2 – мос равишда кириш қисмидаги ва қия тўсиқ зонасидаги тезликни йўқотилиш коэффициентлари; α_1, α_2 – ҳаво оқимини биринчи ва иккинчи зоналардаги ҳаракат режимини белгиловчи коэффициентлар; ϑ -ҳавони чигит массасига мос келган нисбий қаршилиги; $e=Z_1, Z_2$ -натурал

логарифм асоси; q_1, q_2 – ҳаракат тезлиги режимини ифодаловчи ϑ га боғлиқ коэффициент.

(4)-формуланнинг сонли ечимини замонавий компьютер амалий программалар дастурлари ёрдамида амалга ошириш натижасида чигитнинг зоналар бўйича ҳаракат қонунлари ҳаво тезлигини ва йўналтиргич параметрларига боғлиқ равишда аниқланди.



1- $m=0,15$ гр, 2- $m=0,12$ гр, 3- $m=0,1$ гр, 4- $m=0,08$ гр, 5- $m=0,06$ гр.

7-расм. Пневмомеханик ускунада ҳаракат қонунини вақт бўйича ўзгаришини ҳаво тезлиги ва йўналтиргич сиртини оғиш бурчагига боғлиқлик графиклари

Графиклар таҳлиliga асосан таъкидлаш мумкинки, чигит ва чиқиндилар массалари 0,06 гр бўлган ҳолда иккинчи зонага ўтиш мумкин бўлар экан. Яъни уруғлик чигит таркибида жуда кўп техник чигитлар ва чиқиндилар аралашиб тушар экан. (7а-расм, 1,2,3,4-графиклар).


Агарда ҳаво тезлиги 20 м/с ва йўналтиргич сирти оғиш бурчаги 40° қилиб олинганда деярли 97 % уруғлик чигит, яъни массаси 0,12 Гр дан катта бўлган чигитлар тўлиқ уруғлик чигит камерасига тушади (7б-расм, 3,4,5-графиклар). Уруғлик чигитни саралаш фоизини ҳаво тезлигига боғлиқлиги кўрилганда, йўналтиргич сиртини оғиш бурчаги 40° қилиб олинганда, ҳаво тезлиги 12,0 м/с дан 22 м/с гача кўпайганда, уруғлик чигитни саралаш фоизи ночизиқли қонуниятда кўпайиб 97 % гача етади.

Демак тавсия қилинган пневматик чигит саралагич ускунасида керакли иш унумдорлигини олиш учун қуйидаги параметрлар тавсия этилади: йўналтиргич оғиш бурчаги -40° ; ҳавони тезлиги (20-22) м/с.

Тавсия этилган уруғлик чигитни дориллагич ускунасида чигитни етказиб бериш унумдорлигини колосник панжарасидан барабан тишларининг чиқадиган қийматини ўзгартириш орқали назорат қилишни таъминлайди.

Уруғларни тутиб, барабан тишлари билан олиб кетилаётганда чигитларнинг ағдалириши ҳолатини аниқлайлик. 8-расмнинг ҳисоб схемасидан кўринадики, чигитга қуйидаги кучлар таъсир қилади: \bar{G} -оғирлик кучи, \bar{N}, \bar{F}_{T_1} чигитлар ва барабан тишлари юзаси орасидаги реакция ва ишқаланиш кучи; \bar{N}_2, \bar{F}_{T_2} – чигитлар ва колосник юзаси орасидаги реакция ва ишқаланиш кучи;

$\overline{N}_3, \overline{F}_{T3}$ - чигитларни ушлаш ва етказиш зонасида сурилайётган чигитлар билан қолган чигитлар орасидаги реакция ва ишқаланиш кучи. Бундан ташқари, ушланган чигитга инерция кучи ва марказдан қочирувчи куч таъсир қилади.



8-расм. Чигит дозатори барабанининг тишлари билан чигитни ўзаро таъсирининг ҳисоб схемаси


Белгиланган иш унумдорлигини таъминлаш шартларидан, барабан тишининг колосникдан чиқиши баландлигини (h) аниқлаш учун ифода олинди:

$$h \geq \left[\frac{h_2}{f} + \frac{N_3}{fN_2} (f_3 h'_3 - h_3) + \frac{m(\omega^2 R h_{II} + g h_G)}{fN_2} \right] \quad (5)$$

бу ерда, m - чигит массаси; ω - тишли барабанининг бурчак тезлиги, R - барабанининг айланиш ўқига нисбатан чигит массаси марказининг жойлашиши радиуси, $h_G, h_1, h_2, h_3, h'_1, h'_2$ - барабан тиш юзаси билан кесишган A нуқтасига нисбатан тегишли кучларнинг елкалари.

(5) формулага мувофиқ, чигит етказиб беришнинг бир қатламли оқимида барабан тишларининг колосникдан чиқадиган баландлиги $(7,0 \div 7,5) \times 10^{-3}$ м, чигитларни икки қатламли таъминотида тишларнинг колосникдан чиқадиган баландлиги $(11,0 \div 13,0) \times 10^{-3}$ м, ни ташкил қилади. Дорилаш ускунасининг $(4,0 \div 4,5)$ т/с иш унумдорлигида ишлашни ҳисобга олган ҳолда, h нинг тавсия этилган қийматлари $(7,0 \div 10,0) \times 10^{-3}$ м га тенг танланиши мумкин.

Тавсия этилган чигитларни дорилаш ускунасида чигитларни ишчи суспензияни сепиш зонасига бир текисда узатиб берилиши жуда муҳим. Шу сабабли, чигитнинг қия тарнов бўйлаб ҳаракатланишини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. 9-расмда дорилаш ускунаси қия тарновининг ҳисоб схемаси келтирилган.



9-расм. Қия тарнов бўйлаб чигитнинг харакатланишини ўрганиш ҳисоб схемаси

Уруғлик чигитнинг дастлабки тезлигини ҳисобга олган ҳолда қия тарновнинг охирида уруғлик чигитнинг тезлигини аниқлаш учун ифода олинди:

$$\dot{x} = \sqrt{2xg(\sin\beta - f\cos\beta)} \quad (6)$$


бу ерда β - тарновнинг эгилиш бурчаги, f - қия тарнов юзасида чигитнинг ишқаланиш коэффициентини, x -чигитнинг дастлабки координатаси.

(6) ифодани ўлчамларнинг қуйидаги: $x = (0,40 \div 0,52)$ м; $\beta = 30^{\circ} \div 55^{\circ}$; $g = 9,81$ м/с², $f = 0,2 \div 0,4$ қийматларида ҳисоблаймиз.


10-расмда қия тарновдаги чигит тезлигининг ўзгариш боғлиқлик графиги кўрсатилган.

10-расм (а) графикдан кўринадики, тарновнинг қиялик бурчагини катталашини чигитнинг тарнов охиридаги тезлигини нозикли қонуният билан кўпайишига олиб келади. Демак, $f = 0,4$ га тенг қийматда β бурчакнинг 30° дан 55° гача катталашини чигит тезлигини 1,21 м/с дан 2,33 м/с гача, $f = 0,2$ га тенг қийматда эса тезлик V_c ни 1,74 м/с дан 2,55 м/с гача кўпайишига олиб келади. Шу сабабдан дори суспензиясини сепиш жойига узатиладиган чигит миқдорини кўпайтириш учун тарновнинг қиялик бурчагини ёки чигит билан тарнов юзаси орасидаги ишқаланиш коэффициентини камайтириш керак бўлади. Пахта чигитини дорилаш бўйича унумдорлигини (4,0÷4,5) т/с бўлишини таъминлаш учун, бурчак $\beta = 40^{\circ} \div 45^{\circ}$, $f = 0,30$ га тенг бўлиши тавсия этилади. 10-расм (б) графикдан кўринадики, ишқаланиш коэффициентини $f = 0,4$ га тенг қийматда тарнов узунлигини 0,4 м дан 0,52 м гача ошиши чигит тезлигини тарнов охирида 2,33 м/с гача, ишқаланиш коэффициентини $f = 0,2$ га тенг қийматда эса 2,55 м/с гача кўпайишига олиб келади. Пахта чигитини дорилаш бўйича унумдорлигини (4,0÷4,5) т/с бўлишини таъминлаш учун

тишли барабанинг 60 айл/дақ. га тенг айланиш тезлигида тарновнинг узунлиги (0,48-0,52) м га тенг бўлиши тавсия этилади.




а)



б)

10-расм. Қия тарновдаги чигит тезлигининг ўзгариши боғлиқлиги графиги.

Уруғларнинг вазнига боғлиқ равишда қия тарновнинг тебранишларини ўрганиш учун тебраниш тизимининг математик модели тузилган (11-расм).



1-қия тарнов; 2- юкнинг дастаги; 3-юк (қарши юк); 4-кран дастаги
11-расм. Тебраниш тизимининг математик модели.

Иккинчи тартибли Лагранж тенгламаларидан фойдаланиб, тизимнинг тебранишларини тавсифловчи қуйидаги дифференциал тенглама олинди:


$$J_n \ddot{\zeta}_l = \frac{1}{2} g l_l \zeta_l (m_l + n m_c) + (0,05 \div 0,075) n m_c g l_l \zeta_l \sin \omega t - \frac{g}{2} (l_p m_p + l_{gp} m_{gp}) (\sin \sigma + \zeta \cos \sigma) - \frac{1}{2} l_2 m_2 [\sin(\sigma + \theta) + \zeta \cos(\sigma + \theta)] - M_K \quad (7)$$

бу ерда l_p - қарши юк дастагининг узунлиги; m_p - қарши юк дастагининг массаси; m_{gp} - юкнинг массаси; l_{gp} - дастагда юкни ўрнатиш қисми елкаси узунлиги; σ - қарши юк дастагининг эгилиш бурчаги; l_2 - дастагнинг кронштейн билан узунлиги; m_2 - дастагнинг кронштейн билан массаси; θ - дастагнинг кронштейн билан эгилиш бурчаги; M_K - жўмакнинг тўскичи томонидан дастагнинг бармоқларига тушадиган қаршилик; l_l - қия тарнов узунлиги; ζ - қия тарновнинг бурилиш бурчаги; m_c - чигит массаси; n - бир вақтнинг ўзида тарновда жойлашган чигитнинг сони; m_l - қия тарнов массаси; γ - бир вақтнинг ўзида тебранувчи тарновда жойлашган чигитлар сонининг ўзгариш частотаси.

12-расмда қия тарновда жойлашадиган чигитларнинг жами массасига қия тарновнинг тебранишлари ўзгаришининг боғлиқлик графиги кўрсатилган.

Олинган боғлиқлик графигининг таҳлили шуни кўрсатадики, $\sum m_c$ нинг кўпайиши билан қия тарновнинг тебраниш амплитудаси чизиқли бўлмаган боғлиқлик билан ортади.

Тарновнинг тебраниш бурчаги $2,0^0$ дан кам бўлган ҳолатда чигитларнинг тарнов бўйлаб самарали ҳаракатланишига имкон яратилади. Шунинг учун тавсия этилган қийматлар: иш унумдорлигининг $n_p = (4,0 \div 4,5)$ т/с га тенг бўлган қийматида $m_{gp} = (1,0 \div 1,3)$ кг; $\sum m_c = (1,1 \div 1,5)$ кг га тенг.



1- $m_{гр}=1,6$ кг; 2- $m_{гр}=1,3$ кг; 3- $m_{гр}=1,0$ кг.

12-расм. Тарновдаги бир вақтнинг ўзида жойлашадиган чигит массасининг ўзгаришига боғлиқ равишда қия тарновнинг бурчак тебранишларининг ўзгаришига боғлиқлиги.

Диссертациянинг “Пахта уруғлик чигитини қабул қилиб саралаш жараёнига меъёрда узатиш қурилмасини ишлаб чиқиш бўйича амалий изланишлар” деб номланган учинчи бобида тукли уруғлик чигит қабул қилиш-узатиш қурилмасининг схемаларини ишлаб чиқиш, қурилмадаги тукли чигит миқдорини чигитни винтли конвейерда текис сурилиши ва чигитнинг механик шикастланишига таъсирлари, тукли чигитни меъёрда узатиш жараёнлари ўрганиш натижалари ва оптимал параметрларини математик режалаш усули асосида тўлиқ факторли тажрибалар келтирилган.

Тукли чигитларнинг илашувини бартараф этиш учун қурилмада иккита винтли конвейерларни бир горизонтал текисликда жойлаштириб ўтказилган тажрибалар натижасида тукли чигитларнинг чиқиш жойига текис сурилишини таъминлашига эришилган.


Тажрибалар асосида қурилма иш унумдорлигини ростловчи йўналтиргич-ростлагич механизми билан винтли конвейер оралиқ масофаси "S" нинг ўзгариши, винтли конвейернинг айланиш тезлиги n нинг ўзгаришидан қурилманинг иш унумдорлигига ва чигит механик шикастланишига таъсири ўрганилди 13-16-расмлар.

Тажрибаларда Бух-6 селекцион навли, туклилиги 8,9% ли, механик шикастланганлиги 4,1% ли тукли чигитлардан фойдаланилди.


Йўналтиргич-ростлагич ва винт оралиқ масофаси "S" ни винтли механизм орқали ростланди, винтли конвейернинг айланиш тезлигини частота ўзгартириш қурилмаси ёрдамида ўзгартирилди.




13-расм. Йўналтиргич-ростлагич ва винт оралик масофаси S=10 мм га тенг бўлганда



14-расм. Йўналтиргич-ростлагич ва винт оралик масофаси S=30 мм га тенг бўлганда



15-расм. Йўналтиргич-ростлагич ва винт оралик масофаси S=50 мм га тенг бўлганда.



16-расм. Йўналтиргич-ростлагич ва винт оралик масофаси S=70 мм га тенг бўлганда.

13-16-расмлардаги графиклардан йўналтиргич-ростлагич ва винт оралик масофаси S=10; 30; 50; 70 мм да ўрганилган ҳар бир тажрибасида, винтли конвейернинг айланиш тезлигини оширидан қурилманинг иш унумдорлигини ва чигит механик шикастланишини ошириш кўринмоқда.

Оралик масофа "S" нинг 10-30 мм ҳолатларида иш унумдорликни ошириш мақсадида винтли конвейер айланиш тезлигини оширилиши чигит чиқиш жойида чигитларнинг ортиқча тўпланиши ҳисобидан механик шикастланишини 4,1% дан 4,8% гача оширишга олиб келди. Оралик масофа "S" ни 50-70 мм гача ўрнатилиши чигитларнинг механик шикастланишини 4,1% дан 4,6% гача кўпайишига олиб келди, лекин дастлабки чигитнинг механик шикастланишига нисбатан кўпи билан 0,5% гача ошириш мавжуд талаблар даражасида бўлишини кўрсатди.

Қурилманинг асосий параметрларини математик режалаш усули орқали тўлиқ омилли тажрибалар асосида аниқланди.

Бунда бир хил миқдорда такрорланган тажрибалар билан дисперсиянинг бир хиллиги гипотезаси Кохрен мезони ёрдамида, регрессия коэффицентларининг аҳамияти эса – Стьюдент мезони билан 95% ишонч даражаси талаби бўйича бажарилди.

Жараён моделининг етарлилиги (адекватлиги), яъни оптималлаш параметрини тавсифлаш учун регрессия тенгламасининг адекватлигини Фишера-F мезони томонидан текширилди.

